ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

АНАРОВА ШАҲЗОДА АМАНБАЕВНА

МУРАККАБ КОНФИГУРАЦИЯЛИ СТЕРЖЕНЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ЮКЛАНИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЧИЗИҚЛИ ВА ГЕОМЕТРИК НОЧИЗИҚЛИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИ ВА ЕЧИШ АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

УДК 539.3

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract Doctoral (DSc) Dissertation

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

АНАРОВА ШАХЗОДА АМАНБАЕВНА

МУРАККАБ КОНФИГУРАЦИЯЛИ СТЕРЖЕНЛАРНИНГ ФАЗОВИЙ ЮКЛАНИШ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЧИЗИҚЛИ ВА ГЕОМЕТРИК НОЧИЗИҚЛИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАРИ ВА ЕЧИШ АЛГОРИТМЛАРИ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T123 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслахатчи:	**Юлдашев Таджимат** техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Усманов Ришат Ниязбекович** техника фанлари доктори, профессор
	Хужаев Исматулла Кушаевич техника фанлари доктори
	Нормуродов Чори Бегалиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент темир йўл муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «12» июль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил «28» июнь куни тарқатилди.
(2018 йил «26» июнь даги 8 рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Н.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иншоот ва конструкциялар элементларининг фазовий юкланишлардаги чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалалари ечишни математик моделлаштириш ва автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, стержень типидаги конструкцияларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатларини баҳолашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш, фазовий юкланишлардаги стерженларнинг деформацион жараёнларини замонавий ахборот технологиялари асосида ўрганиб, уларни такомиллаштириш асосий вазифалардан бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Франция, Канада, Япония, Хитой, БАА, Эрон, Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда стержень типидаги конструкцион материалларнинг математик моделлари, ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда фазовий юкланишлардаги стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини ҳал этишнинг математик моделларини қуриш, ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш, стерженлардаги деформацион жараёнларни баҳолаш учун автоматлаштирилган тизимларни яратишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чўзилиш (қисилиш)даги, эгилган буралишдаги, бўйлама эгилишдаги ва бўйлама буралишдаги деформацион жараёнларини баҳолаш, кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини аниқлашнинг математик моделларини қуриш, ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган воситаларини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга мураккаб конфигурацияли фазовий юкланган стерженларнинг чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларни ечишнинг математик моделларини ва алгоритмларини ишлаб чиқишни илмий асослаш зарур ҳисобланади.

Республикамизда стрежень типидаги конструкцияларни лойиҳалаш ва ҳисоблаш жараёнларини математик моделлаштириш, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб, конструкцияларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини баҳолаш ҳамда технологик тизимларини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган дастурий таъминотларни яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига информацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш, ... муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш»[1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

амалга оширишда лойихалаш жараёнига замонавий ахборот технологиялари асосида фазовий юкланган стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалалари ечиш учун умумлашган математик моделлар, хисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва автоматлаштирилган тизимлар яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш, ва ахборот-коммуникация технологияларни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Қурилиш ва машинасозликдаги стерженсимон конструкцияларнинг элементларини фазовий юкланишлардаги масалаларини ечиш учун математик моделлари ва алгоритмик-дастурий воситаларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассалари, жумладан, Program Development Company (АҚШ), Institut National des Sciences Appliquees de Lyon (Франция), Университет Сайтамы (Япония), Mechanical National University of Technology (Аргентина), Mechanical University of Technology, Mechanical Engineering Department, Petroleum Institute Abu Dhabi (Бирлашган Араб Амирлиги), Amirkabir University of Technology, Sharif University of Technology (Эрон), Миллий транспорт институти (Украина), Northeast Petroleum University, Daqing drilling engineering institute of technology, School of Petroleum Engineering, University of Petroleum, Petroleum Engineering, Institute of Yanshan University (Хитой), Россия Фанлар академиясининг машинасозлик муаммолари институти, И.М.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети (Россия федерацияси), Қозоғистон миллий университети

[2] Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи www.iiergs.org, www.jocpr.com, www.elsevier.com/locate/nlm, http://scholarsmine.mst.edu/masters_theses, www.iust.ac.ir, journal homepage: www.elsevier.com/locate/compstruct, www.elsevier.com/locate/isvi, http://fibb-utn.academia.edu, https://www.researchgate.net, https://ar.linkedin.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Қозоғистон), Тошкент ахборот технологиялари университети (Ўзбекистон)да илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацияланиш жараёнларини математик моделлаштириш ва ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизимларини такомиллаштириш ҳамда яратиш муаммоларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: айланма балкаларнинг динамик функционал хусусиятлари модели такомиллаштирилган (Mechanical National University of Technology, Аргентина), Тимошенконинг композит балкалари айланма эркин тебранишларининг чизиқсиз масалалари ишлаб чиқилган, ўзгартирилган жуфт кучланишлар назарияси асосида С.П.Тимошенко балкасининг чизиқсиз масалалари ишлаб чиқилган (Amirkabir University of Technology ва Sharif University of Technology, Эрон), бурғулаш колоннасининг динамик ҳаракати ўрганилиб, экспериментал ускуналари такомиллаштирилган ва ишлаб чиқилган (Institut National des Sciences Appliquees de Lyon, Франция), С.П.Тимошенко эгилган балкасида чизиқсиз стационар тўлқинлар учун моделлар яратилган, А.П.Филиповнинг стерженлар тизимида эластиклик деформациялар назариясига асосан стерженларда эгувчи-буровчи, бўйлама-эгилувчи ва бўйлама буровчи тўлқинлар ҳаракатининг моделлари ишлаб чиқилган (Россия Фанлар академиясининг Машинасозлик муаммолари институти, Россия федерацияси).

Дунёда қурилиш, самолётсозлик, ракетасозлик, кемасозлик, машинасозлик ва нефть қазиб олиш соҳаларидаги стерженсимон конструкцияларнинг элементларини фазовий юкланишлардаги деформация жараёнлари масалаларини ечиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: С.П.Тимошенко балкаларидаги деформацион жараёнларни чизиқли ва чизиқсиз математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва дастурий таъминотини яратиш; стерженсимон конструкцияларнинг элементларини кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатининг геометрик ва физик чизиқсиз деформацион жараёнларини моделлаштириш, стерженларнинг интенсив эгилган буралишдаги, бўйлама эгилишдаги ва бўйлама буралишдаги тебранишларини тўғри чизиқли тарқалишини тўлиқ тадқиқ қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чизиқсиз эластиклик назарияси доирасида уч ўлчовли деформацияланувчи муҳитларнинг деформацияланиш муаммоларига қатор монографиялар ва журналлар мақолалари бағишланган. Чизиқсиз эластиклик назариясининг ривожланишида бир қатор олимлар: В.А.Еремеев, Н.В.Зволинский, Л.М.Зубов, М.И.Карякин, В.А.Левин, А.И.Лурье, Н.Ф.Морозов, В.В.Новожилов, С.Антман, А.Грин, Р.Ривлин, К.Трусделл, Ерофеев, Л.Хаджиева, К.Ф.Черных, С.Антман, H.Arvin, M.Asghari, А.Грин, A.Mamandi, M.T.Piovan, Р.Ривлин, К.Трусделл, J.W.Hijmissen ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар ҳамда катта ҳисса қўшганлар.

Республикамизда стержень типидаги конструкцияларни назарий асосларини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган, жумладан академик В.Қ.Қобулов томонидан конструкция элементларининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацияланиш жараёнларини аниқлаштирилган назарияси ишлаб чиқилган ва амалий масалаларни ечишга алгоритмик ёндашувлар таклиф этилган. Ўзбекистонда туташ муҳитлар механикаси масалаларини алгоритмлаш ва автоматлаштириш учун алгоритмик тизимлар яратиш дастлаб академик В.Қ.Қобулов томонидан таклиф этилган ҳамда алгоритмлаш назарияси ишлаб чиқилган, академик Т.Бўриев, К.Ш.Бобомуродов, Ф.Б.Бадалов, Б.Курманбаев, Т.Юлдашев, Ш.А.Назиров, Х.Эшматов, Б.Мардонов ва уларнинг шогирдлари томонидан ривожлантирилган.

Соҳага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фазовий юкланишлардаги мураккаб конфигурацияли стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацияланиш жараёнларини математик моделлаштириш ва ҳисоблашнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш муаммолари ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф005- «Мураккаб конфигурациялар учун математик физика кўп ўлчамли ночизиқли масалалар синфлари ечимлар алгоритмик усулларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш» (2012-2016), БВ-М-Ф4-004- «Бошқариш тизимлари назариясида алгоритмлаш принципларини ишлаб чиқиш» (2017-2020), БА-А5-014- «Мураккаб фрактал тузилишларни R - функция ва арифметик хусусиятлар назариясига асосан аналитик баён этишнинг автоматлаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида ўрганилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб конфигурацияли фазовий юкланишлардаги статик ва динамик чизиқли ва геометрик ночизиқли стерженларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолати масалаларининг тадқиқоти учун математик модель, ҳисоблаш алгоритми ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Остроградский-Гамильтон тамойили ва эластиклик деформацияси ҳамда Власов-Джанелидзе-Кабуловлар томонидан аниқлаштирилган назарияларга асосида бўйлама, кўндаланг, буровчи кучларнинг биргаликда таъсиридаги стерженлар нуқталарининг кўчишини статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

R-функция (RFM) ва кетма-кет яқинлашиш усуллари ёрдамида мураккаб конфигурацияли кўндаланг кесими ихтиёрий призматик жисмларнинг турли шаклдаги коваклари билан кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини қисилган буралиш масалаларида ҳисоблашнинг сонли-аналитик алгоритмларини ишлаб чиқиш;

фазовий юкланган стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини ечиш учун ҳисоблаш (сонли) алгоритмларини ишлаб чиқиш;

кўндаланг кесими ихтиёрий призматик жисмларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини R-функция (RFM) ва кетма-кет яқинлашиш усулларига асосан ҳисоблаш жараёнини автоматлаштирувчи мавжуд дастурий мажмуа тузилмасини такомиллаштириш;

стерженларнинг чегаравий масалаларини ечиш жараёнини автоматлаштириш ва ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун чекли айирмалар усули асосида стерженлар тебраниши жараёнини тадқиқи учун дастурий мажмуа тузилмасини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти мураккаб конфигурацияли стерженларнинг фазовий юкланишлардаги статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацион жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини мураккаб конфигурацияли фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацион ҳолатининг тадқиқ этиш учун математик моделлар, сонли-аналитик алгоритмлар, алгоритмик дастурий мажмуаларни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик ва сонли моделлаштириш, тизимли таҳлил, назарий механика, вариацион ҳисоблаш математикаси, алгоритмлаштириш, тузилмали дастурлаш технологиялари ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эластиклик деформацияси ва Власов-Джанелидзе-Кабуловлар томонидан аниқлаштирилган назарияларга асосан фазовий юкланишлардаги стерженлар бўйлама, кўндаланг, буровчи кучларнинг биргаликда таъсиридаги тебранишларининг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз жараёнларини умумлашган математик модели Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили ёрдамида ишлаб чиқилган;

фазовий юкланишлардаги стерженларнинг кўндаланг эгилишини, қисилган буралишини ҳисобга олган ҳолда статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз деформацион жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини ечиш учун чекли айирмалар усули асосида ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

R-функция (RFM) ва кетма-кет яқинлашиш усулларидан биргаликда фойдаланиб турли шаклдаги коваклари билан кўндаланг кесими ихтиёрий призматик жисмларнинг қисилган буралиш масалаларини ечиш учун тақрибий-аналитик алгоритм ишлаб чиқилган;

R-функция (RFM) ва кетма-кет яқинлашиш усулларини биргаликда қўллаш орқали мураккаб конфигурацияли призматик жисмларнинг чизиқли масалаларини ечиш ва ҳисоблаш тажрибаларини бажариш учун дастурлар мажмуи тузилмаси такомиллаштирилган;

фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини чекли айирмалар усулида ечиш ва ҳисоблаш тажрибаларини бажариш учун дастурлар мажмуи тузилмаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чекланган деформацияда стерженлар тебранишининг умумлашган чизиқли ва геометрик чизиқсиз моделлари ишлаб чиқилган;

R-функция (RFM) ва кетма-кет яқинлашиш усулларига асосан қисилган буралиш масалаларида кўндаланг кесими ихтиёрий призматик жисмларнинг турли шаклдаги коваклари билан ҳисоблашнинг тақрибий-аналитик алгоритми ишлаб чиқилган;

чекли айирмали усулига асосан фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини ечиш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган математик моделларнинг сонли ва тақрибий-аналитик алгоритмлар ишончлилигини асослайдиган, стерженлар чегаравий масалаларини ечиш жараёнини автоматлаштиришга ва ҳисоблаш эксперименти ўтказиш имконини берувчи дастурий мажмуа яратилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги масаланинг математик қўйилиши ва уни ечиш учун қўлланилган Остроградский-Гамильтон вариацион тамойилининг қатъийлиги, фазовий юкланган стерженлар масаласининг коррект қўйилиши, масалани ечишда R-функция (RFM), Бубнов-Галеркин ҳамда кетма-кет яқинлашиш усуллари, ҳамда чекли айирмали усулларидан фойдаланиш, ҳисоблаш алгоритмларининг яқинлашишини тадқиқ қилиш, шунингдек, аниқ аналитик ечим билан таҳлилий ечимни таққосий солиштириш орқали олинган натижаларнинг мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стерженларнинг фазовий юкланиш масалаларининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз жараёнларининг умумлашган математик моделларини Остроградский-Гамильтон тамойили асосида ишлаб чиқиш, В.Рвачев R-функция (RFM), Бубнов-Галеркин ва кетма-кет яқинлашиш усулларини, ҳамда чекли айирмали усулларни биргаликда қўллаган ҳолда ҳисоблаш алгоритмларини яратиш, шунингдек кўндаланг кесими мураккаб конфигурацияли фазовий юкланган стерженларнинг деформацияланганлик-кучланганлик ҳолатига боғлиқ масалаларни ечиш жараёнларини автоматлаштириш имконини берувчи алгоритмик-дастурий воситаларни яратиш билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фазовий юкланишлардаги мураккаб конфигурацияли стержен типидаги конструкциялар учун лойиҳа ҳисоб ишларини олиб боришда материал, иш кучи ва вақт сарфини камайтириш, бажарилган иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, шунингдек, лойиҳа жараёнларини самарали ташкил этиш имкониятлари, мураккаб конфигурацияли фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларни ечишнинг математик моделларини ва алгоритмларини амалиётга татбиқи билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мураккаб конфигурацияли стерженларнинг фазовий юкланишлардаги масалаларининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз математик моделлари ва ечиш алгоритмлари, дастурий мажмуалар бўйича олинган натижалар асосида:

эластиклик деформацияси ва Власов-Джанелидзе-Кабуловлар томонидан аниқлаштирилган назариялар асосида фазовий юкланган стерженлар бўйлама, кўндаланг, буровчи тебранишлардаги нуқталарининг кўчишини чизиқли ва геометрик чизиқсиз жараёнларини умумлашган математик модели, ҳисоблаш алгоритми ва дастурлар мажмуи «Қашқадарё Пармалаш ишлари» акциядорлик компаниясига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 33-8/2238-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастурий таъминот мураккаб шаклли стерженларнинг чидамлилик сифатини 10%га ошириш, автоматлаштирилган ҳисоблаш жараёнининг вақтини 4-5 мартага камайтириш имконини берган;

мураккаб конфигурацияли стерженларнинг фазовий юкланишлардаги масалаларининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз математик моделлари ва ечиш алгоритмлари асосида яратилган «Мураккаб конфигурацияли эластик призматик жисмларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоб-китоб қилувчи автоматлашган тизим» номли дастурий таъминот «Uzbekneftgaz» Миллий Холдинг компанияси «Uztransgaz» Акциядорлик компанияси, «Transgazinjiniring» Унитар корхонасида Ер ости газни сақлаш «Газли» объектининг №841, №842 қудуқларини конструкцион-лойиҳалаш жараёнида қўлланилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 33-8/2238-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида бурғулаш ускуналарининг стерженли тизимларини ишлаш жараёнини автоматлаштириш, мураккаб конфигурацияли стерженли тизимларни кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш орқали ишлаб чиқариш 15%га ошириш ва компьютерда ҳисоблаш ишларини самарадорлигини ошириш ҳисобидан ишчи кучини 5-7 мартага камайтириш имконини берган;

эластиклик деформацияси ва Власов-Джанелидзе-Кабуловлар томонидан аниқлаштирилган назариялар асосида фазовий юкланган стерженлар бўйлама, кўндаланг, буровчи тебранишлардаги нуқталарининг кўчишини чизиқли ва геометрик чизиқсиз жараёнларини математик моделлари ва ҳисоблаш алгоритмлари асосида яратилган «Эластик призматик жисмларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини буралиш масаларида хисоб-китоб қилиш» номли дастурий таъминот «Геология давлат қўмитаси»нинг «Геотехтаъминот» давлат корхонасида геологоразведка экспедицияларидаги бурғулаш колонналари ишларидаги маълумотларни кайта ишлаш жараёнини автоматлаштиришга имкон яратган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 33-8/2238-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида экспериментларни ўтказиш тезлигини 5-6 мартага ошириш имконини берган;

мураккаб конфигурацияли стерженларнинг фазовий юкланишлардаги масалаларининг чизиқли ва геометрик чизиқсиз математик моделлари ва ечиш алгоритмлари «Нефть ва газ саноати Ўзбекистон илмий муҳандислик жамияти»га бурғулаш ускуналаридаги стерженли тизимларнинг ишлаш жараёнига ва стерженли конструкцияларни лойиҳалашга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 33-8/2238-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида мураккаб шаклли стерженларнинг чидамлилик сифатини 10%га ошириш, ҳисоблаш вақтини 5-6 мартага камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 6 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувохномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 198 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссетация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи рўйхати, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чизикли ва геометрик чизиқсиз масалаларининг математик моделлари»** деб номланган биринчи бобида стержен типидаги конструкция элементларининг чизикли ва геометрик чизиқсиз деформацияланиши жараёнларини математик моделлаштириш бўйича адабиёт манбалари шарҳи ва таҳлили келтирилган.

Бўйлама, кўндаланг ва буровчи кучларнинг биргаликдаги таъсирида фазовий юкланишлардаги стерженлар нуқталарининг кўчишини чизикли ҳамда чизиқсиз масалаларининг математик моделларини Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили асосида ишлаб чиқилган. Моделларни ишлаб чиқаришда Коши геометрик муносабатлари, Гук қонуни ва тўғри чизикли координаталар тизими ишлатилади.

Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили қуйидагича кўринишда ёзилади:

$$\delta\int_{t}(K-\Pi+A)dt=0. \tag{1}$$

Бу ерда K, П - кинетик энергия ва потенциал энергиялар ва A - ташқи кучлар бажарган иш.

Эластик деформация ва Власов-Джанелидзе-Қобуловларнинг аниқлаштирилган назариялар асосида бўйлама, кўндаланг ва буровчи кучларнинг биргаликдаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда фазовий юкланишлардаги стержень нуқталарининг кўчишини қуйидаги тенгликлар кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\left.\begin{aligned}
&u_1(x,y,z,t)=u(x,t)-z\alpha_1(x,t)-y\alpha_2(x,t)+\varphi(y,z)\times\\
&\times\vartheta(x,t)+a_1(z)\beta_1(x,t)+a_2(y)\beta_2(x,t);\\
&u_2(x,y,z,t)=v(x,t)+z\theta(x,t);\\
&u_3(x,y,z,t)=w(x,t)-y\theta(x,t).
\end{aligned}\right\}. \tag{2}$$

бу ерда u_1, u_2, u_3 - кўчиш векторининг ташкил этувчилари; u, v, w - стержень марказий нуқталарининг кўчиши; α_1, α_2 - соф эгилишда марказий чизиқка уринманинг оғиш бурчаклари, ϑ - стержень узунлиги бўйича буралиш бурчаги; β_1, β_2 - кўндаланг силжиш бурчаклари; θ - буралиш бурчаги; a_1, a_2 - берилган функциялар; φ - буралишнинг Сен - Венан функцияси.

Коши муносабатига кўра ва (2) формулани ҳисобга олиб, фазовий юкланишлардаги деформация компоненталари қуйидаги кўринишда аниқланади:

$$\varepsilon_{11}=\frac{\partial u}{\partial x}-z\frac{\partial \alpha_1}{\partial x}-y\frac{\partial \alpha_2}{\partial x}+\varphi\frac{\partial \vartheta}{\partial x}+a_1\frac{\partial \beta_1}{\partial x}+a_2\frac{\partial \beta_2}{\partial x},$$

$$\varepsilon_{12}=-\alpha_2+\vartheta\frac{\partial \varphi}{\partial y}+\beta_1\frac{\partial a_1}{\partial y}+\beta_2\frac{\partial a_2}{\partial y}+\frac{\partial v}{\partial x}+z\frac{\partial \theta}{\partial x}, \qquad (3)$$

$$\varepsilon_{13}=-\alpha_1+\vartheta\frac{\partial \varphi}{\partial z}+\beta_1\frac{\partial a_1}{\partial z}+\beta_2\frac{\partial a_2}{\partial z}+\frac{\partial w}{\partial x}-y\frac{\partial \theta}{\partial x}.$$

Гук қонунини (2) ва (3) формулаларга асосан қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\sigma_{11}=E\varepsilon_{11}=E\left(\frac{\partial u}{\partial x}-z\frac{\partial \alpha_1}{\partial x}-y\frac{\partial \alpha_2}{\partial x}+\varphi\frac{\partial \vartheta}{\partial x}+a_1\frac{\partial \beta_1}{\partial x}+a_2\frac{\partial \beta_2}{\partial x}\right),$$

$$\sigma_{12}=G\varepsilon_{12}=G\left(-\alpha_2+\vartheta\frac{\partial \varphi}{\partial y}+\beta_1\frac{\partial a_1}{\partial y}+\beta_2\frac{\partial a_2}{\partial y}+\frac{\partial v}{\partial x}+z\frac{\partial \theta}{\partial x}\right), \qquad (4)$$

$$\sigma_{13}=G\varepsilon_{13}=G\left(-\alpha_1+\vartheta\frac{\partial \varphi}{\partial z}+\beta_1\frac{\partial a_1}{\partial z}+\beta_2\frac{\partial a_2}{\partial z}+\frac{\partial w}{\partial x}-y\frac{\partial \theta}{\partial x}\right).$$

Остроградский-Гамильтон тамойили асосида фазовий юкланган стерженларнинг чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалалари учун математик модель ишлаб чиқилди.

Стерженларнинг тебраниш тенгламалари

$$-\rho F\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+\rho S_y\frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2}+\rho S_z\frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2}-\rho S_\varphi\frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2}-$$

$$-\rho S_{a_1}\frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2}-\rho S_{a_2}\frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2}+\frac{\partial N_x}{\partial x}+q(u,x,t)=0,$$

$$S_y\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}-I_y\frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2}-I_{zy}\frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2}+I_{z\varphi}\frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2}+I_{za_1}\frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2}+$$

$$+I_{za_2}\frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2}-\frac{\partial M_y}{\partial x}+Q_z+M(\alpha_1,x,t)=0,$$

$$S_z\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}-I_{yz}\frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2}-I_z\frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2}+I_{y\varphi}\frac{\partial^2 \vartheta}{\partial t^2}+I_{ya_1}\frac{\partial^2 \beta_1}{\partial t^2}+$$

$$+I_{ya_2}\frac{\partial^2 \beta_2}{\partial t^2}-\frac{\partial M_z}{\partial x}+Q_y+M(\alpha_2,x,t)=0,$$

$$-F\frac{\partial^2 v}{\partial t^2}-S_y\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}+\frac{\partial Q_y}{\partial x}+q(v,x,t)=0,$$

$$-F\frac{\partial^2 w}{\partial t^2}-S_z\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}+\frac{\partial Q_z}{\partial x}+q(w,x,t)=0,$$

$$-I_\rho\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}-S_y\frac{\partial^2 v}{\partial t^2}+S_z\frac{\partial^2 w}{\partial t^2}-I_\rho\frac{\partial M_x}{\partial x}+M(\theta,x,t)=0,$$

$$-S_{\alpha_1}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+I_{\alpha_1 z}\frac{\partial^2\alpha_1}{\partial t^2}+I_{y\alpha_1}\frac{\partial^2\alpha_2}{\partial t^2}-I_{\alpha_1\varphi}\frac{\partial^2\vartheta}{\partial t^2}-I_{\rho\alpha_1^2}\frac{\partial^2\beta_1}{\partial t^2}-$$

$$-I_{\alpha_1\alpha_2}\frac{\partial^2\beta_2}{\partial t^2}+\frac{\partial M_{\alpha_1}}{\partial x}-Q_{\beta_1}+M(\beta_1,x,t)=0,$$

$$-S_{\alpha_2}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+I_{\alpha_2 z}\frac{\partial^2\alpha_1}{\partial t^2}+I_{y\alpha_2}\frac{\partial^2\alpha_2}{\partial t^2}-I_{\alpha_2\varphi}\frac{\partial^2\vartheta}{\partial t^2}-I_{\alpha_1\alpha_2}\frac{\partial^2\beta_1}{\partial t^2}-$$

$$-I_{\alpha_2^2}\frac{\partial^2\beta_2}{\partial t^2}+\frac{\partial M_{\alpha_2}}{\partial x}-Q_{\beta_2}+M(\beta_2,x,t)=0,$$

$$-S_{\varphi}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+I_{\varphi z}\frac{\partial^2\alpha_1}{\partial t^2}+I_{\varphi y}\frac{\partial^2\alpha_2}{\partial t^2}-I_{\varphi}\frac{\partial^2\vartheta}{\partial t^2}-I_{\alpha_1\varphi}\frac{\partial^2\beta_1}{\partial t^2}-$$

$$-I_{\alpha_2\varphi}\frac{\partial^2\beta_2}{\partial t^2}+\frac{\partial M_{\varphi}}{\partial x}-Q_{\vartheta}+M(\vartheta,x,t)=0, \qquad (5)$$

Табиий бошланғич шартлар қуйидагича:

$$\left[F\frac{\partial u}{\partial t}-S_y\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}-S_z\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}+S_\varphi\frac{\partial\vartheta}{\partial t}+S_{\alpha_1}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}+S_{\alpha_2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta u\Big|_t=0,$$

$$\left[-S_y\frac{\partial u}{\partial t}+I_y\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}+I_{zy}\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}-I_\varphi\frac{\partial\vartheta}{\partial t}-I_{\alpha_1}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}-I_{\alpha_2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta\alpha_1\Big|_t=0,$$

$$\left[-S_z\frac{\partial u}{\partial t}+I_{zy}\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}+I_z\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}-I_{y\varphi}\frac{\partial\vartheta}{\partial t}-I_{y\alpha_1}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}-I_{y\alpha_2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta\alpha_2\Big|_t=0,$$

$$\left[S_\varphi\frac{\partial u}{\partial t}-I_{z\varphi}\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}-I_{y\varphi}\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}+I_\varphi\frac{\partial\vartheta}{\partial t}+I_{\varphi\alpha_1}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}+I_{\varphi\alpha_2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta\vartheta\Big|_t=0,$$

$$\left[S_{\alpha_1}\frac{\partial u}{\partial t}-I_{z\alpha_1}\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}-I_{y\alpha_1}\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}+I_{\varphi\alpha_1}\frac{\partial\vartheta}{\partial t}+I_{\alpha_1^2}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}+I_{\alpha_1\alpha_2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta\beta_1\Big|_t=0,$$

$$\left[S_{\alpha_2}\frac{\partial u}{\partial t}-I_{z\alpha_2}\frac{\partial\alpha_1}{\partial t}-I_{y\alpha_2}\frac{\partial\alpha_2}{\partial t}+I_{\varphi\alpha_2}\frac{\partial\vartheta}{\partial t}+I_{\alpha_1\alpha_2}\frac{\partial\beta_1}{\partial t}+I_{\alpha_2^2}\frac{\partial\beta_2}{\partial t}\right]\delta\beta_2\Big|_t=0,$$

$$\left[F\frac{\partial v}{\partial t}+S_y\frac{\partial\theta}{\partial t}\right]\delta v\Big|_t=0,\quad \left[F\frac{\partial w}{\partial t}-S_z\frac{\partial\theta}{\partial t}\right]\delta w\Big|_t=0,$$

$$\left[S_y\frac{\partial v}{\partial t}-S_z\frac{\partial w}{\partial t}+I_p\frac{\partial\theta}{\partial t}\right]\delta\theta\Big|_t=0, \qquad (6)$$

Табиий чегаравий шартлар қуйидагича:

$$\left[-N_x+P_1\right]\delta u\Big|_x=0,\ \left[-Q_y+P_2\right]\delta v\Big|_x=0,\ \left[-Q_z+P_3\right]\delta w\Big|_x=0,$$

$$\left[-M_x+M(zP_2-yP_3)\right]\delta\theta\Big|_x=0,\ \left[-M_\varphi+M(\varphi P_1)\right]\delta\vartheta\Big|_x=0,$$

$$\left[-M_{\alpha_1}+M(a_1P_1)\right]\delta\beta_1\Big|_x=0,\ \left[-M_{\alpha_2}+M(a_2P_1)\right]\delta\beta_2\Big|_x=0,$$

$$\left[-M_y - M(zP_1)\right]\delta\alpha_1\Big|_x = 0, \left[M_z - M(yP_1)\right]\delta\alpha_2\Big|_x = 0, \qquad (7)$$

Власов-Джанелидзе-Қобуловларнинг аниқлаштирилган назарияси асосида буровчи тебранишларнинг таъсирини ҳисобга олсак фазовий юкланишдаги стержень нуқталарининг кўчишини қуйидагича гипотеза кўринишида ифодалаш мумкин:

$$u_1 = \varphi(y,z)\frac{\partial\theta}{\partial x}, \quad u_2 = z\theta, \quad u_3 = -y\theta; \qquad (8)$$

$\dfrac{\partial\theta}{\partial x}$ - буралишнинг нисбий бурчаги.

Статик масалалар θ ва φ га нисбатан тенгламалар мос чегаравий шартлари билан чиқарилади.

$$\frac{\partial^4\theta}{\partial x^4} - r^2\frac{\partial^2\theta}{\partial x^2} = 0, \qquad (9)$$

$$x = 0 \text{ да}: \quad \theta = 0, \frac{\partial\theta}{\partial x} = 0,$$

$$x = l : \text{да}: \quad \frac{\partial^3\theta}{\partial x^3} - r^2\frac{\partial\theta}{\partial x} + \beta_{1H} = 0, \quad \frac{\partial^2\theta}{\partial x^2} = 0. \qquad (10)$$

$$\left(\frac{\partial^2\varphi}{\partial z^2} + \frac{\partial^2\varphi}{\partial y^2}\right) + \bar{\psi}_1\varphi = 0; \qquad (11)$$

$$z = \pm a \text{ да} \quad \left(\frac{\partial\varphi}{\partial z} - y\right) = 0,$$

$$y = \pm b \text{ да} \quad \left(\frac{\partial\varphi}{\partial y} + z\right) = 0. \qquad (12)$$

Бунда коэффициентлар – бир ёки икки каррали интегралли ифодалардир. Уларни ҳисоблаш учун Гаусс усули ишлатилади.

Фазовий юкланишлардаги стерженларнинг эгилган буралишдаги, бўйлама эгилишдаги ва бўйлама буралишдаги нуқталарининг кўчишини масаланинг чизиқсиз қўйилишида қараймиз, бунда кўчишларни қуйидаги кўринишда ифодалаб оламиз:

$$\left.\begin{array}{l} u_1(x,y,z,t) = u(x,t) - z\alpha_1(x,t) - y\alpha_2(x,t), \\ u_2(x,y,z,t) = v(x,t) + z\theta(x,t), \qquad u_3(x,y,z,t) = w(x,t) - y\theta(x,t). \end{array}\right\} \qquad (13)$$

Коши муносабатларини шакллантириб оламиз:

$$\varepsilon_{11} = \frac{\partial u_1}{\partial x} + \frac{1}{2}\left[\left(\frac{\partial u_1}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial u_2}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial u_3}{\partial x}\right)^2\right],$$

$$\varepsilon_{12} = \frac{\partial u_1}{\partial y} + \frac{\partial u_2}{\partial x} + \frac{\partial u_1}{\partial x}\frac{\partial u_1}{\partial y} + \frac{\partial u_2}{\partial x}\frac{\partial u_2}{\partial y} + \frac{\partial u_3}{\partial x}\frac{\partial u_3}{\partial y},$$

$$\varepsilon_{13}=\frac{\partial u_1}{\partial z}+\frac{\partial u_3}{\partial x}+\frac{\partial u_1}{\partial x}\frac{\partial u_1}{\partial z}+\frac{\partial u_2}{\partial x}\frac{\partial u_2}{\partial z}+\frac{\partial u_3}{\partial x}\frac{\partial u_3}{\partial z}.$$

Вариацион тенглама (1)дан қуйидаги тенгламаларни ва уларга мос бошланғич ва чегаравий шартларни оламиз:

Стерженлар тебранишлари тенгламалари:

$$-\rho F\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}+\rho S_y\frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2}+\rho S_z\frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2}+\frac{\partial N_x}{\partial x}+\frac{\partial R_1}{\partial x}+\left(\overline{F}_1+\overline{q}_1\right)=0,$$

$$-\rho F\frac{\partial^2 v}{\partial t^2}-\rho S_y\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}+\frac{\partial Q_2}{\partial x}+\frac{\partial R_2}{\partial x}+\left(\overline{F}_2+\overline{q}_2\right)=0,$$

$$-\rho F\frac{\partial^2 w}{\partial t^2}+\rho S_z\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}+\frac{\partial Q_3}{\partial x}+\frac{\partial R_3}{\partial x}+\left(\overline{F}_3+\overline{q}_3\right)=0,$$

$$\rho S_y\frac{\partial^2 u}{\partial t^2}-\rho I_y\frac{\partial^2 \alpha_1}{\partial t^2}-\rho I_{yz}\frac{\partial^2 \alpha_2}{\partial t^2}+\frac{\partial M_y}{\partial x}+\frac{\partial R_4}{\partial x}-\left(M_y\left(\overline{F}_1\right)+M_y\left(\overline{q}_1\right)\right)=0,$$

$$\rho S_z\frac{\partial u}{\partial t}-\rho I_{yz}\frac{\partial \alpha_1}{\partial t}-\rho I_z\frac{\partial \alpha_2}{\partial t}+\frac{\partial M_z}{\partial x}+\frac{\partial R_5}{\partial x}-\left(M_z\left(\overline{F}_1\right)+M_z\left(\overline{q}_1\right)\right)=0,$$

$$-\rho S_y\frac{\partial^2 v}{\partial t^2}+\rho S_z\frac{\partial^2 w}{\partial t^2}+\rho I_\rho\frac{\partial^2 \theta}{\partial t^2}+\frac{\partial M_x}{\partial x}+\frac{\partial R_6}{\partial x}+\left(M_x\left(F_{23}\right)+M_x\left(q_{23}\right)\right)=0. \quad (14)$$

Умумлашган бошланғич шартлар қуйидагича:

$$\left[\rho F\frac{\partial v}{\partial t}+\rho S_y\frac{\partial \theta}{\partial t}\right]\delta v\Big|_t=0,\quad \left[\rho F\frac{\partial w}{\partial t}-\rho S_z\frac{\partial \theta}{\partial t}\right]\delta w\Big|_t=0,$$

$$\left[\rho S_y\frac{\partial v}{\partial t}-\rho S_z\frac{\partial w}{\partial t}+\rho I_\rho\frac{\partial \theta}{\partial t}\right]\delta\theta\Big|_t=0. \quad (15)$$

Табиий чегаравий шартлар қуйидагича:

$$\left[-N_x+R_1+\overline{\varphi}_1\right]\delta u\big|_x=0,\quad \left[-Q_2+R_2+\overline{\varphi}_2\right]\delta v\big|_x=0,$$

$$\left[-Q_3+R_3+\overline{\varphi}_3\right]\delta w\big|_x=0,\quad \left[-M_y+R_4+M_y\left(\varphi_1\right)\right]\delta\alpha_1\big|_x=0,$$

$$\left[-M_z+R_5+M_z\left(\varphi_1\right)\right]\delta\alpha_2\big|_x=0,\quad \left[-M_x+R_6+M_x\left(\varphi_{23}\right)\right]\delta\theta\big|_x=0. \quad (16)$$

Фазовий юкланишлардаги стерженларнинг кўндаланг эгилишдаги нуқталарининг кўчиши масаласини чизиқсиз қўйилишида қараймиз, бунда кўчишларни қуйидаги кўринишда ифодалаб оламиз:

$$u_1(x,y,z,t)=u-z\alpha,\quad u_2=0,\quad u_3(x,y,z,t)=w. \quad (17)$$

Коши муносабатлари (17)га асосан қуйидаги кўринишни олади:

$$\varepsilon_{11}=\frac{\partial u_1}{\partial x}+\frac{1}{2}\left(\frac{\partial u_3}{\partial x}\right)^2,\ \varepsilon_{13}=\frac{\partial u_1}{\partial z}+\frac{\partial u_3}{\partial x}+\frac{\partial u_3}{\partial x}\frac{\partial u_3}{\partial z}.$$

Стерженларнинг тебраниш тенгламалари табиий чегаравий ва бошланғич шартлари билан чизиқсиз ҳолатнинг хусусий ҳоли учун ишлаб чиқилди.

Стержень тебраниши тенгламалари:

$$-\frac{\partial^2\bar{u}^k}{\partial\bar{t}^2}+\frac{\partial^2\bar{u}^k}{\partial\bar{x}^2}+\frac{l^2}{EFa}\left(f_1+\bar{q}_1\right)=0,$$

$$-\frac{\partial^2\bar{w}^k}{\partial\bar{t}^2}+\frac{1}{2(1+\mu)}\frac{\partial^2 w^k}{\partial\bar{x}^2}+\Phi_2^{k-1}+\frac{l^2}{EFa}\left(f_3+\bar{q}_3\right)=0,$$

$$-\frac{I_y}{Fa^2}\frac{\partial^2\alpha^k}{\partial\bar{t}^2}+\frac{I_y}{Fa^2}\frac{\partial^2\alpha^k}{\partial\bar{x}^2}-\frac{l^2}{EFa^2}\left(M\left(f_1\right)+M\left(\bar{q}_1\right)\right)=0. \tag{18}$$

бунда

$$\Phi_2^{k-1}=\frac{\partial^2\bar{w}^{k-1}}{\partial\bar{x}^2}\left(\frac{l}{a}\frac{\partial\bar{u}^{k-1}}{\partial\bar{x}}\right)+\frac{\partial\bar{w}^{k-1}}{\partial\bar{x}}\left(\frac{l}{a}\frac{\partial^2\bar{u}^{k-1}}{\partial\bar{x}^2}\right).$$

Умумлашган бошлангич шартлар:

$$\left[\frac{\partial\bar{u}^k}{\partial\bar{t}}\right]t_0\delta\bar{u}\Bigg|_{\bar{T}}=0,\quad \left[\frac{\partial\bar{w}^k}{\partial\bar{t}}\right]t_0\delta\bar{w}\Bigg|_{\bar{T}}=0,\quad \left[\frac{I_y}{Fa^2}\frac{\partial\alpha^k}{\partial t}\right]t_0\delta\alpha\Bigg|_{\bar{T}}=0. \tag{19}$$

Табиий чегаравий шартлар:

$$\left[-\frac{l\partial\bar{u}^k}{\partial\bar{x}}+\frac{l^2}{EFa}\bar{\varphi}_1\right]\delta\bar{u}\Bigg|_{\bar{x}}=0,$$

$$\left[-\frac{1}{2(1+\mu)}\left(l\frac{\partial\bar{w}^k}{\partial\bar{x}}\right)-\bar{\Phi}^{k-1}+\frac{l^2}{EFa}\bar{\varphi}_3\right]\delta\bar{w}\Bigg|_{\bar{x}}=0,$$

$$\left[-\frac{I_y l\partial\alpha^k}{Fa^2\partial\bar{x}}+\frac{l^2}{EFa^2}M\left(\varphi_1\right)\right]\delta\alpha\Bigg|_{\bar{x}}=0. \tag{20}$$

бунда

$$\bar{\Phi}_2^{k-1}=\frac{\partial\bar{w}^{k-1}}{\partial\bar{x}}\left(a\frac{\partial\bar{u}^{k-1}}{\partial\bar{x}}\right).$$

Шу тарзда Остроградский-Гамильтон вариацион тамойили асосида фазовий юкланишлардаги стерженларнинг чизиқли ва геометрик чизиқсиз дифференциал тенгламаларсистемалари орқали ифодаланувчи математик моделлари ишлаб чиқилди.

Юқорида келтирилган математик моделлар тенгламаларини ечишда қуйидаги кўринишдаги ўлчовсиз катталиклардан фойдаланилган:

$$u=a\bar{u},\ v=a\bar{v},\ w=a\bar{w},\ x=l\bar{x},\ t=t_0\bar{t}\ .$$

Диссертациянинг «**Ихтиёрий кесимли стерженларнинг чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини ечиш алгоритмлари**» деб номланган иккинчи бобида фазовий юкланишлардаги стерженларнинг статик ва динамик, чизиқли ва геометрик чизиқсиз масалаларини марказий чекли айирмалар усули, R-функция ва кетма-кет яқинлашиш усулларида сонли ҳисоблаш алгоритмлари, тақрибий-аналитик алгоритми ишлаб чиқилган. Геометрик ва аралаш чегаравий шартлар шакллантирилган.

Тебраниш тенгламалари (5), (14), (18), бошланғич шарт (6), (15), (19)лар ва чегаравий шарт (7), (16), (20)ларни вектор кўринишда ифодалаб оламиз.

$$A\frac{d^2\vec{U}}{dt^2}+\bar{A}\frac{d^2\vec{U}}{dx^2}+B\frac{d\vec{U}}{dx}+C\vec{U}+\vec{F}=0; \tag{21}$$

$$\left[-A\frac{d\vec{U}}{dt}Et_0\right]\delta\vec{U}\Big|_{t}=0; \tag{22}$$

$$\left[\left(\bar{A}\frac{d\vec{U}}{dx}+B\vec{U}+\vec{\Phi}_{rp}\right)El\right]\delta\vec{U}\Big|_{x}=0; \tag{23}$$

$$M\frac{d^2\vec{U}^k}{d\bar{t}^2}+A\frac{d^2\vec{U}^k}{d\bar{x}^2}+B\frac{d\vec{U}^k}{d\bar{x}}+\mathrm{E}\vec{\Phi}^{k-1}+D\vec{F}=0; \tag{24}$$

$$\left[-\bar{M}\frac{d\vec{U}^k}{d\bar{t}}Et_0\right]\delta\vec{U}\Big|_{\bar{t}}=0, \quad (25) \qquad \left[\left(\bar{A}\frac{d\vec{U}^k}{d\bar{x}}+\bar{B}\vec{U}^k+\bar{\vec{\Phi}}^{k-1}+\bar{D}\vec{\Phi}(\varphi)\right)El\right]\delta\vec{U}\Big|_{\bar{x}}=0. \tag{26}$$

$$M\frac{d^2\vec{U}^k}{dt^2}+A\frac{d^2\vec{U}^k}{dx^2}+E\vec{\Phi}^{k-1}+D\vec{F}=0, \tag{27}$$

$$\left[-M\frac{d\vec{U}^k}{dt}\right]Et_0\delta\vec{U}\Big|_{T}=0, \quad (28) \qquad \left[\bar{A}\frac{d\vec{U}^k}{dx}+E\bar{\vec{\Phi}}^{k-1}+\bar{D}\vec{F}(\varphi)\right]El\delta\vec{U}\Big|_{\bar{x}}=0. \tag{29}$$

Чегаравий масала (21)-(29)ни марказий чекли айирмалар усулида аппроксимациялаб, қуйидаги алгебраик тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\vec{U}_{i,j+1}=-\tilde{A}\vec{U}_{i-1,j}+\tilde{B}\vec{U}_{i,j}-\tilde{C}\vec{U}_{i+1,j}-\vec{U}_{i,j-1}-\tilde{\vec{F}}_{i,j}. \tag{30}$$

1) $i=1, j=0$ да $\vec{U}_{1,1}=\frac{1}{2}\left[A_1\vec{U}_{1,0}+B_1\vec{U}^0_{2,0}+2\tau A^{-1}\dot{\vec{U}}^0_{1,0}+\mathrm{P}_{0,0}-\tilde{\vec{F}}_{1,0}\right]$

тенглама ечилади.

2) $i=i, j=0$ да $\vec{U}_{i,1}=\frac{1}{2}\left[-\tilde{A}\vec{U}^0_{i-1,0}+\tilde{B}\vec{U}^0_{i,0}-\tilde{C}\vec{U}^0_{i+1,0}+2\tau A^{-1}\dot{\vec{U}}^0_{i,0}-\tilde{\vec{F}}_{i,0}\right]$

тенглама ечилади.

3) $i=N-1, j=0$ да $\vec{U}_{N-1,1}=\frac{1}{2}\left[\bar{A}_1\vec{U}^0_{N-2,0}+\bar{B}_1\vec{U}^0_{N-1,0}+2\tau A^{-1}\dot{\vec{U}}^0_{N-1,0}+\bar{\mathrm{P}}_{N,0}-\tilde{\vec{F}}_{N-1,0}\right]$

тенглама ечилади.

4) $i=1, j=1$ да $\vec{U}_{1,2}=A_1\vec{U}_{1,1}+B_1\vec{U}_{2,1}\vec{U}^0_{1,0}+\mathrm{P}_{0,1}-\tilde{\vec{F}}_{1,1}$ тенглама ечилади.

5) $i=i, j=1$ да $\vec{U}_{i,2}=-\tilde{A}\vec{U}_{i-1,1}+\tilde{B}\vec{U}_{i,1}-\tilde{C}\vec{U}_{i+1,1}-\vec{U}^0_{i,0}-\tilde{\vec{F}}_{i,0}$

тенглама ечилади.

6) $i=N-1, j=1$да $\vec{U}_{N-1,2}=\bar{A}_1\vec{U}_{N-2,1}+\bar{B}_1\vec{U}^0_{N-1,1}-\vec{U}^0_{N-1,0}+\bar{P}_{N,1}-\tilde{\vec{F}}_{N-1,1}$

тенглама ечилади.

7) $i=1, j=j$ да $\vec{U}_{i,j+1}=-\tilde{A}\vec{U}_{0,j}+\tilde{B}\vec{U}_{1,j}-\tilde{C}\vec{U}_{2,j}-\vec{U}_{1,j-1}-\tilde{\vec{F}}_{1,j}$

тенглама ечилади.

8) $i=i, j=j$ да (30) тенглама ечилади.

9) $i=N-1, j=j$ да $\bar{U}_{N-1,j+1}=\bar{A}_1\bar{U}_{N-2,j}+\bar{B}_1\bar{U}_{N-1,j}-\bar{U}_{N-1,j-1}+\bar{P}_{N,j}-\bar{\bar{F}}_{N-1,j}$ тенглама ечилади. Шу тартибда чегаравий масалалар (21)-(29) ҳал этилади.

Кўндаланг кесими мураккаб бўлган призматик жисмларнинг ҳаракат тенгламалари (9), (11)ларни чегаравий шарт (10), (12)лар билан интеграллаш учун R-функция ва кетма-кет яқинлашиш усуллари ишлатилади.

Мазкур алгоритмнинг бажариш тартиби қуйидагича:

1) нолинчи яқинлашишда $\bar{\psi}_1=0$ фараз қилиниб, кисилган буралиш функцияси учун (11) тенглама чегаравий шарт (12) билан ечилади.

2) φ нинг бу ечимидан фойдаланиб (9), (10)ларнинг коэффициентлари ва θ ҳисобланади.

3) θ нинг бу ечимидан фойдаланиб буралиш функцияси φ ҳисобланади ва (11) тенглама чегаравий шарт (12) билан қайта ечилади.

4) Бу ечимдан фойдаланиб (9), (10)ларнинг коэффициентлари ҳисобланади.

Бу жараён $\left|\varphi^{i+1}(z,y)-\varphi^{i}(z,y)\right|\le\varepsilon$ шарти қаноатлантирилганга қадар давом эттирилади.

